



## АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ «НАМОЙИШ» ШЕЪРИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК ВА УНИНГ БАДИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН УЙҒУНЛИГИ

Шарипова Мунира Хамидуллаевна,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
E-mail: [msharipova775@gmail.com](mailto:msharipova775@gmail.com)

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.14995213>

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Қаҳрамони, Xалқ шоири Абдулла Ориповнинг «Намойиш» шеъри таҳлил қилиниб, асарда ижтимоий-сиёсий танқид, маънавий таназзулга қарши кураш ва илм-маърифатга чақириқ каби гоялар ўзига хос тарзда ифодаланган кўрсатиб берилган. Шеърнинг интертекстуал хусусиятлари, рамзий маънолари ва бадиий воситалари орқали нафақат турли ҳалқлар ҳаётини, балки умуминсоний қадриятлар ҳам тасвирланган очиб берилган. «Намойиш» шеъри интертекстуалликнинг ёрқин намунаси эканлиги, ундаги тарихий ва маданий ишоралар асарни янада теран маъноли қилгани таъкидланган. Шоирнинг дунё тарихи, инсоннинг маънавий ҳолати ва замонавий жасият муаммоларини чуқур таҳлил қилиши, шунингдек, инсониятга муҳим саволлар бериши ёритилган.

**Калим сўзлар:** Абдулла Орипов, «Намойиш» шеъри, интертекстуаллик, рамз, бадиий воситалар, танқид, маънавият, маърифат, қадриятлар.

**Abstract:** This article analyzes the poem «Demonstration» by Abdulla Oripov, Hero of Uzbekistan and People's Poet, highlighting the unique expression of ideas such as socio-political criticism, the struggle against spiritual decline, and a call for knowledge and enlightenment. It reveals how the poem depicts not only the lives of various peoples but also universal values through its intertextual features, symbolic meanings, and artistic means. The article emphasizes that «Demonstration» is a vivid example of intertextuality, with historical and cultural allusions making the work even more profound. It illuminates the poet's deep analysis of world history, the spiritual state of humanity, and the problems of modern society, as well as his posing of important questions to humanity.

**Keywords:** Abdulla Oripov, «Demonstration» poem, intertextuality, symbol, literary devices, criticism, spirituality, enlightenment, values.

Абдулла Орипов ижодида ижтимоий ҳаёт ҳақиқати, миллий маънавият ва ҳалқаро воқеаларни ўзига хос бадиий ифода этиш алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг 2015 йилда ёзилган «Намойиш» номли шеъри ҳам ана шундай асарлардан бири бўлиб, сиёсий-ижтимоий муаммоларни танқидий руҳда тасвирлашга йўналтирилган. Шеър замарида дунёдаги умумий ҳолатни кўрсатиш, унинг турли қирраларини ёритиш билан бирга, инсон маънавияти ва маданияти таназзулига алоҳида эътибор қаратилган. А.Орипов «Намойиш» шеърида турли қитъалар ва мамлакатлар иштирокидаги рамзий намойиш –



парадни тасвирлайди. Бу парад замонавий дунё сиёсий саҳнасидаги воқеаларнинг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади. Давлатлар ўз тимсоллари ва белги-рамзлари орқали таништирилади. Бироқ шоир бу парад орқали чуқур ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммоларни фош қилади. Шеърда ҳар бир қитъя ёки давлат ўзига хос услубда тасвирланган.

**Интертекстуаллик** – бир асарда бошқа асарлардан, тарихий воқеалардан ёки маданий манбалардан фойдаланиш воситаси бўлиб, «Намойиш» шеърида бу усул жуда кўп қўлланган. А.Орипов бир вақтнинг ўзида замонавий воқеалар ва тарихий анъаналар ўртасида узвий алоқа ўрнатади. Шеърдаги интертекстуаллик замирида тарихий воқеалар, жаҳон сиёсий вазияти, инсониятнинг маънавий қиёфаси ва адабий ишоралар мужассамлашган. Шоир дунёдаги турли қитъалар, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини ўзига хос намойиш сифатида тасвирлайди. Шеърда ҳар бир қитъя ва давлат алоҳида рамзлар орқали ёритилади, уларнинг маданий, сиёсий ва маънавий ҳолати таҳлил қилинади. Намойишида дунёнинг барча мамлакатлари қатнашади, аммо уларнинг ҳар бири турли хил аломатлар ва тимсоллар орқали тасвирланади. Бу таҳлилни тўрт асосий турга бўлиш мумкин:

**1. Тарихий интертекстуаллик.** Шеърдаги Африка, Осиё, Европа, Россия ва Америка Кўшма Штатлари тасвирлари аниқ тарихий воқеаларга ишора қилади. Мазкур қитъя ва давлатларнинг фаолиятини тимсоллар орқали тасвирлаш интертекстуал янгилик бўлиб, турли манбаларга ишоралар мавжуд.

Африка қитъаси – мустамлакачилик ва қадимий маданиятлар тимсоли:

*Найзасин кўтариб Африка ўтди,*

*Там-там овозлари самони тутди.*

Африка образи қитъанинг мураккаб тарихига ишора қилади. Найза – бу қадимий африкаликларнинг қуроли, там-там эса уларнинг анъанавий мусиқий асбоби. Ўлкадаги мустамлакачилик ва қитъанинг маданий мероси найза, там-там овозлари ва фил мингандар тасвир орқали берилган. Бу ишора юртдаги мустамлакачилик тарихини эсга солади. Шеърда Африка ўз мустақиллиги учун курашган қитъя сифатида қўринади.

Осиё – қурол ва болалар тимсоли. Осиё тасвири асрлар давомида юзага чиққан урушлар ва можаролардан далолатdir:

*Осиё етаклаб болаларини,*

*Аравага ортган бомбаларини.*

Бу сатрларда Осиё қитъасининг болаларини етаклаб, бомбаларини аравага ортгани урушнинг ҳалокатли оқибатларига ишора қилади. Уруш ва зўравонлик



қитъанинг оғрикли нуқталаридан бири сифатида кўрсатилган. Бола тимсоли нафақат жабрланувчи авлод, балки ҳаёт ва келажак рамзидир. «Аравага ортилган бомбалар» тасвири миңтақадаги сиёсий беқарорлик ва можароларни рамзий тарзда акс эттиради.

*Бизникилар ўтди хуинуд ва голиб,*

*Пахта чаногини қўлига олиб.*

Юқоридаги мисраларда пахта шўро давридаги Ўзбекистон учун иккита тимсол сифатида келтирилган. Бир томондан, пахта миллий бойлик тимсоли бўлса, иккинчи томондан, унинг ортида пахта етиштиришнинг оғир меҳнати ва тарихий муаммолари эслатилган. Аслида, голиблик ҳисси иронияли ташбех билан берилган.

Европа тасвири ахлоқий қадриятлар инқирозини кўрсатади. «Жинсни фарқлай олмай қолган Европа» мисраси Европа жамиятидаги ахлоқий меъёрларнинг ўзгариши ва аниқлик йўқолишига ишора қиласи:

*Ўтдилар, дейшииб акани опа,*

*Жинсни фарқлай олмай қолган Европа.*

Мазкур мисраларда Европа маданиятидаги замонавий муаммолар – гендерлик ва анъаналарнинг ўзгариши каби мавзулар танқидий нуқтаи назардан берилган.

Россия ва Америка – ҳарбий ва сиёсий устунликка ишора:

*Ракетаси билан қўрқитди ўрис,*

*Режиссёрлик қилди ўзи – Штатлар.*

Бу ерда Россиянинг ҳарбий қудрати ва Америка Кўшма Штатларининг дунё сиёсий саҳнасидаги устун мавқеи ёритилган. Режиссёрлик қилиш – Американинг дунёдаги жараёнларни назорат қилишига ишорадир.

**2. Маданий интертекстуаллик.** Шеърда турли маданий рамзлар ва ишоралар бор. Африка халқларининг анъанавий либослари уларнинг бой маданияти ва тарихий анъаналарини белгилайди. «Там-там овозлари» қитъа маданиятининг урф-одатларига ишорадир. Там-там барабанлари африкаликлар ҳаётида тарихий воқеаларни ифодалашда муҳим рамздир. «Фил ва қўтос» Осиё ва Африка қитъаларига хос маданий тасвирлар бўлиб, бу ҳайвонлар рамзий маънода қудрат ва кучни англатади. Европа эса замонавий маданий таназзулнинг рамзи сифатида алоҳида ажralиб туради. «Пахта чаноги» ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ва мамлакатнинг иқтисодий таянчи сифатида намоён бўлади.



**3. Адабий интертекстуаллик.** А.Ориповнинг «Намойиш» шеъридаги интертекстуаллик анъанавий ўзбек адабиётининг фалсафий ва танқидий мероси билан боғлиқdir. Шеърдаги «китоб кўтариб ўтиш» рамзи ўзбек маърифатпарварларининг илм ва маърифатга чақирувчи ғояларини эслатади. Китоб маърифат ва келажак рамзи сифатида ишлатилади. Шоир илмий тараққиёт ва маънавий юксалишга чақиради, аммо шеърнинг охиридаги танқидий мазмундаги мисраларда ҳеч кимнинг китоб кўтариб ўтмаслиги инсониятнинг маънавий таназзулидан хабар беради. Бу адабий ишоралар XX аср адабиётидаги маърифатпарвар ғояларнинг давоми сифатида кўрилади.

**4. Фалсафий интертекстуаллик.** Шеърнинг энг муҳим интертекстуал хусусияти – унинг фалсафий моҳиятидир. Фалсафий мулоҳазалар инсониятнинг маънавий йўқотишлари ва тараққиёт йўлидаги хато қадамларини англатади. «Режиссёрлик қилган Штатлар» мисраси дунё сиёсатининг «режиссёrlари» ким эканлиги ҳақида мулоҳаза юритишга ундейди. Бу ердаги «режиссёр» тасвири дунё сиёсатидаги хукмронликни англатади. Шеър охиридаги нидо – «Оҳ, ҳеч ким ўтмади китоб кўтариб» – аслида фалсафий мазмунга эга бўлиб, инсоннинг маънавий қарашлари ва келажақдаги юксалиши ҳақидаги энг муҳим муаммони қўяди. Мазкур мисраларда Алишер Навоий, Форобий ёки қадимий фалсафий асарларга ишоралар бор деб тушуниш мумкин, чунки маърифат ва китоб рамзи ўзбек адабиётида чуқур маънога эга. Бу орқали шоир инсон маънавияти ва билимсизлигининг таназзулини афсус билан тасвирлайди. Китоб кўтариб ўтмаган одамлар билим ва маърифатдан узоқда эканини билдиради.

*Томоша охирлаб қолди-ку қарийб,*

*Оҳ, ҳеч ким ўтмади китоб кўтариб.*

Бу сатрлар маънавий таназзулни кўрсатади. Китоб билим, маърифат ва маънавият рамзи хисобланади. Муаллиф мазкур сатрларда замонавий дунёда инсонларнинг моддий дунё ортидан қувиб, маънавий бойликка эътиборсиз қолганини танқид қилади.

А.Орипов бу шеърда интертекстуалликни бадиий воситалар билан мукаммал уйғунлаштирган. Шеърнинг муваффақиятли ижодий қиймати бадиий воситаларнинг моҳирона қўлланилишида намоён бўлади. Қуйида шулардан асосийларини таҳлил қиласиз:

**1. Бадиий рамзлар.** Китоб, ракета, бомба, пахта чаноғи, арава каби рамзлар кўп маънога эга бўлиб, халқлар ҳаётининг турли қирраларини тасвирлайди. Найза африкаликларнинг қадимий кураши ва тарихий мероси рамзи. Арава оғир тарих ва маънавий юкни англатади. Китоб билим, маърифат



ва маънавият рамзи бўлса, ракета ва бомба ҳалокат ва қудрат рамзлари ҳисобланади. Пахта миллий бойлик ва меҳнат рамзи. Умуман олганда, шеърда ҳар бир образ рамзий маънога эга.

**2. Антитеза.** Илм ва куч, маънавият ва зўравонлик ўртасидаги зиддиятлар чуқур фалсафий мазмун касб этган. Бола ва бомба, китоб ва ракета, билим ва сиёsat ўртасидаги зиддиятлар баёни шеърнинг таъсир кучини оширган.

**3. Аллегория.** Ҳар бир давлат, қитъа ва халқнинг тасвири муайян воқееликни умумлаштирувчи аллегориялар сифатида хизмат қиласди. Давлатлар ва қитъалар инсонлардек тасвирланиб, улар ўзларининг табиати, кучи ёки муаммолари билан фарқланади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳати орқали ўша даврдаги халқаро вазият ва дунё муаммоларига ишора қилинади.

**4. Эпитет.** Шеърда турли қўшимча сифатлар ёрдамида образлар яққолроқ бўлади. Масалан, «хуфтон само», «ҳеч ким китоб кўтариб ўтмади» каби жумлалар чуқур фалсафий маънога эга.

**5. Ирония.** Шеърнинг кўп қисми иронияга асосланган. Муаллиф ҳар бир давлат ва жамиятнинг заиф нуқталарини кулги аралаш танқид қиласди. Намойишда ўзбек халқнинг пахта чаноғини қўлига олиб хушнуд ва ғолиб ўтганлиги аслида ўлкамизнинг пахтага бўлган боғлиқлигини англатади. Бу орқали пахта етиштириш билан боғлиқ оғир вазиятларга иронияли тарзда ишора қилинади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, А.Ориповнинг «Намойиш» шеъри ижтимоий-сиёсий танқидий руҳда ёзилган асар бўлиб, унда дунёдаги турли воқеаларга ўзига хос муносабат билдирилган. Шоир маънавий таназзул ва маданий қашшоқликка қарши туриб, илм ва маърифатга чақиравчি фикрларини баён қиласди. Интертекстуаллик, рамзлар ва бадиий воситалар орқали нафақат турли халқлар ҳаётини, балки умуминсоний қадриятларни ҳам тасвирлайди. «Намойиш» шеъри интертекстуалликнинг ёрқин намунаси бўлиб, тарихий ва маданий ишоралар асарни янада теран маънога эга қиласди. Шоир дунё тарихини, инсоннинг маънавий ҳолатини ва замонавий жамият муаммоларини чуқур таҳлил қиласди. Тарихий, маданий, адабий ва фалсафий манбалардан фойдаланиб, шоир инсониятга муҳим саволларни беради: «Биз маърифатга қай йўл билан юрамиз? Илм ва маънавиятнинг қадрига етамизми?» Шоир биздан жавоб қутади: инсон маънавиятсиз тараққий эта олмайди, «китоб» – ҳақиқий озодлик ва маърифат калитидир. Дунёдаги ҳар қандай куч ёки қудрат фақат билим ва маърифат билан тараққий этади. Китоб кўтариш – маънавиятга



қайтишнинг биринчи қадамидир. «Намойиш» шеъри ўқувчига чуқур маънавий ўгит беради ва уни фикрлашга ундайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Махмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.
2. Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017.
3. Курбонова М., Юлдашев М. Матн тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 2014.
4. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.